

Ибн Жарирнинг вафотидан бир соатгина олдин ҳам маълумот ёзиб қўйгани



13:00 / 26.07.2019 1659

Устоз Муҳаммад Курдали «Кунузул аждад» номли китобида имом ибн Жарир Тобарийнинг таржимаи ҳоли тўғрисида қуйидагиларни айтган: «Айтилган хабарларга кўра, у зот ҳаётининг бирор дақиқасини ҳам фойда бериш ва фойда олишсиз ўтказиб юбормаган. Муъафа ибн Закариё сиқа (ишончли) кишиларнинг биридан қуйидаги ривоятни келтиради: У Абу Жаъфар Тобарийнинг вафотидан бир соат ё ундан ҳам камроқ вақт олдин унинг ҳузурида бўлган. Ўша вақтда унга Жаъфар ибн Муҳаммаддан бир дуо зикр қилинган. У эшитиши биланоқ сиёҳдон ва саҳифа сўраган ва уни ёзиб қўйган. Унга: «Шундай ҳолатда ҳам-а?!» дейишганида, у: «Инсон учун то ўлгунича илмдан иқтибос олишни тарк қилиши дуруст эмас», деган. Аллоҳ уни раҳматига олган бўлсин ҳамда уни илм ва ислом номидан энг яхши мукофотлар билан мукофотласин.

«Уламолар наздида вақтнинг қадри» китобидан